

**КУЙИ АМУДАРЁ, САРИҚАМИШБЎЙИ ҲАВЗАЛАРИ ҚИШЛОҚ
ЖАМОАЛАРИ ТУРАР-ЖОЙЛАРИДА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР
(МИЛ. АВВ. IX-V АСРЛАР)**

М. А. Қурбанов

Урганч Давлат Университети тадқиқотчиси

muzaffar.1983@inbox.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада Хоразм воҳаси, Сарикамишбўйи сарҳадларида илк темир асри жамиятининг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари моддий ашёларда акс этиши тарихи қараб чиқилган.

Калит сўзлар: Куйи Амударё, Сарикамиш, Одойтепа, Қават-2, Қушқалъа, Яккапорсан-2, Хумбузтепа, Бутентоу, Қанғқақалъа, Динғильжа.

**ARCHAEOLOGICAL RESEARCH IN THE RESIDENCE OF RURAL
COMMUNITIES IN AMUDARYA, SARIKAMISHBOYI BASINS (IX-V
CENTURIES BC)**

M. A. Kurbanov

Researcher in Urgench State University

muzaffar.1983@inbox.ru

ABSTRACT

The article considers the history of the reflection of socio-economic relations of the first Iron Age society in material objects on the borders of the Khorezm oasis, Sarikamysh.

Keywords: Lower Amudarya, Sarikamysh, Odoytepa, Qavat-2, Qushqala, Yakkaporsan-2, Khumbuztepa, Butentou, Qanqqaqala, Dingilja.

КИРИШ

Хоразм воҳаси ва Сарикамишбўйи ҳавзаси пасттекислигида Хоразм археология-этнография экспедиция ходимлари ва Қорақалпоғистон Республикаси илмий муассаса марказларининг археологик экспедициялари (Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали археология бўлими ҳамда И.В.Савицкий номидаги давлат санъат музейи) мустақиллик йилларида ташкил этилган Н.Давкараев номидаги тарих, тил ва

адабиёт институтининг археология бўлими, Бердақ номидаги Нукус давлат университети, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти, Хоразм Маъмун академияси ҳамда Урганч давлат университети археологик гуруҳлари ходимлари томонидан аҳоли турар-жойларида олиб борилган археологик изланишлар натижасида олинган моддий ашёлар Жанубий Оролбўйи пасттекислигида илк темир даврида ўтроқ аҳолининг хўжалик йўналишларини олиб бориши, иқлим шароит ва географик хусусиятлардан келиб чиқиб, шаҳарсозлик маданияти ҳамда илк давлатчиликнинг ривожланишида қишлоқларнинг тарихий ўрнини ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Археологик изланишлар натижаларидан маълумки, Жанубий Оқчадарё ҳавзасидаги Бургутқалъа воҳасида аҳоли томонидан бунёд қилинган Динғилжада олиб борилган археологик қазилма ишлари натижасида темир даври сўнги босқичида кечган жараёни ёритадиган моддий ашёлар олинган. Тарихий маълумотларга кўра, Тунидарё соҳилига туташган Қанғқақир баландлигига аҳоли томонидан бунёд қилинган Қанғқа-2 маданий қатламидан темир даври тарихига оид археологик манбаларнинг олинганлиги қайд қилинган. Тадқиқотчилар Жанубий Оқчадарё ҳавзасида жойлашган Ёнбош-7, Яккапорсан-2 ва Қават-2 каби ёдгорликларидан олинган ашёларни илмий таҳлил қилиб, улар мил.авв. IX-VII асрларга мансуб деган хулосага келганлар.

XX аср 70-йиллари охирида Хоразм воҳаси жанубида Амударё ўрта қисми сўл соҳили этагига уланиб кетган баландликларида аҳоли томонидан қурилган Одойтепа ва Қушқалъада олиб борилган қазилма ишлари натижасида темир даврининг илк босқичи муҳофаа билимига оид археологик манбалар олинганлиги маълум. Тадқиқотчи Б.И.Вайнберг Сарикамишбўйи ҳавзасидаги Қуйисой-2 ёдгорлигида қазилма ишларини олиб бориши муносабати билан мил.авв. VII асрга оид кулолчилик ашёлари, темирдан ишланган меҳнат қуролларини олишга муяссар бўлган. Шу билан бирга, ўрта даражали хумлар қолдиғи олинганлиги зироатчилик хўжалиги билан аҳолининг шуғулланганлигидан далолат беради. Мазкур ёдгорликларнинг муҳофаа иншоотлари Амударёнинг сўл соҳили этаклари ҳарбий вазият тизимида кирганлигидан далолат беради. Тадқиқотчиларнинг илмий адабиётларида қайд қилинган маълумотларига кўра, зироаткор аҳоли Тошсақа ҳудудидаги баландликда бунёд қилинган Хумбузтепа ёдгорлиги маданий қатламларидан катта ҳажмли хумлар, ранг-баранг ошхона ашёлари ҳамда инсон ва чорва

ҳайвонлари ҳайкалчалари топилган. Демак, мил.авв.VII аср охирида Ҳумбузтепа Жанубий Хоразмнинг кулолчилик ишлаб чиқариш маркази бўлган.


Мавзу мазмуни ва моҳиятини тарихий жараён, тарихий таҳлил, умумлаштирилиш ва якуний хулосалар тарзидаги методологик услублардан фойдаланилди.

НАТИЖАЛАР


Археологик тадқиқотлар натижаларини қамраб олган адабиётлар мазмунини назарий-қиёсий таҳлил қилиш асосида илк темир даври жамиятида юз берган ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий муносабатларни ҳамда аҳолининг сернам ва серунум текисликларни ўзлаштириш ва уларни ўз манфаатларига хизмат қилдириш соҳасидаги бунёдкорлик фаолиятларидаги натижаларга аниқлик киритиш имконини берди.

МУҲОКАМА

Таъкидлаш керакки, бронза жамияти аҳолиси турар-жойлари маданий қатламидан ранг-баранг меҳнат қуроллари ҳамда кўп тармоқли ҳунармандчилик соҳаларини ривожлантириш борасидаги амалий билимлари темир даври жамиятининг ривожланишига моддий асос бўлган. Хусусан, Яккапорсан-2 манзилида қазилма ишлари олиб борилиши натижасида темирдан қилинган меҳнат қуроллар, зеб-зийнат буюмлари ва безаклар тасвири туширилган идиш-тавоқлар, болға қолдиқларининг топилиши кўп тармоқли ҳўжалигини олиб борган аجدодларимиз фаолияти темир даври жамияти манзарасини тўла акс эттиради. Ёнбош-7, Яккапорсан-2, Қават-2 маконларида кундалик ҳаётларини олиб борган қабилалар этник жараёнларни маҳаллий аҳоли сифатида намоён қилиб, ҳунармандчилик соҳасини географик шароитга кўниккан ҳолда ривожлантирганлар (расм 1,2).




Расм 1. Яккапорсан-2. Қурол ва тақинчоқлар.



Расм 2.Қават-2. Сопол буюмлар.


Мил.авв. IX-VIII асрларда Амударёнинг ўрта қисми сўл соҳилида жойлашган баландликка ўрнашган зироатчи аҳоли бир қисми шимолий томон миграцияси натижасида Тошсақа худуди атрофларини ўзлаштириши муносабати билан барпо қилинган Хумбузтепада олиб борилган археологик изланишлар муносабати билан хилма-хил тамғалар ва белгилар туширилган кулолчилик ашёлари билан бир қаторда одам, уй ҳайвонлари ҳайкалчаларининг олиниши илк темир даврида кечган жараёнларни ўрганишда аҳамияти каттадир (расм 3).




Расм 3. Хумбузтепа. Антропоморфик ва зооморфик терракота ҳайкалчалари

Мил.авв. V асрда зироаткор аҳоли томонидан Жанубий Оқчадарё ирмоғи шарқий қисми ўзлаштирилиши натижасида бунёд қилинган Динғилжа ёдгорлигида қазилма ишлари туфайли аввалдан пухта ишлаб чиқилган турар-жойларнинг тўғрибурчак режавий тузилиши, уй-хоналари, омборхона ва ёғоч устунли зал қолдиқлари ҳамда ранг-баранг кулолчилик ашёлари, лойдан ясалган шар шаклидаги ядролар, икки ва уч қиррали камон ўқлари сўнги темир

даври аҳолисининг моддий ва маънавий маданият даражаси натижаларини намоён қилган (расм 4,5).



Расм 4. Дингилжа. Режаси.



Расм 5. Дингилжа. Сопол буюмлар.

ХУЛОСА

Шу тарика, юқорида қайд қилинган фикр-мулоҳазалар қуйидаги якуний хулосага келишга имкон беради:

– мил.авв. IX-VIII аср жамиятини қамраб олган тарихий жараённи ёритадиган манбалар Одойтепадан олинган.

– VII аср биринчи ярми жамиятини қамраб олган ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланишини ёритадиган манбалар Ёнбош-7, Қуйисой-2, Яккапорсан-2, Қават-2 ёдгорликларидан олинган.

– мил.авв. VII аср иккинчи ярми охирида кечган жараёнларни Хумбузтепа манбалари изоҳлайди.

– мил.авв. VII аср охири-VI аср биринчи ярмига оид Қушқалъа, Қанғқа-2, Бутентоу ёдгорликларидан олинган моддий ашёлар муҳим аҳамият касб этади.

– мил.авв. V аср биринчи ярмида Жанубий Оқчадарё ҳавзаси жамиятининг сўнги темир даври жамиятида рўй берган ижтимоий муносабатларни ўрганишда Динғильжа ашёлари муҳим.

Мил.авв. IX-V асрларда аҳоли томонидан бино қилинган турар-жойлар қурилишининг миқдор ва сифат жиҳатдан бир-биридан фарқланиш даражасини археологик манбалар намоён қилган.

REFERENCES

1. Воробьева М.Г. (1973). Дингильдже. Усадьба середины I тыс-я до н.э. в Древнем Хорезме // МХЭ, Вып.9. – М.: «Наука». – С. 6-7
2. Дурдиев Д. (1977). Археологические исследования на территории Ташаузской области в 1970-1972 гг. // Каракумские древности. Вып.5. – Ашгабат, «Билим». – С. 137-139.
3. Итина М.А. (1963). Поселение Якке-Парсан-2 (раскопки 1958-1959 гг.) // МХЭ. Вып.6. – М.: «Наука». – С. 5-26
4. Ягодин В.Н. (1963). Поселение Амирабадской культуры Кават-2 // МХЭ. Вып.6. – М.: «Наука». – С.130-140.
5. Пилипко В.Н. (1975). Раскопки в Дейнауском районе Чарджоуской области // АО, 1974. – М.: «Наука». – С. 527-528.
6. Вайнберг Б.И. (1981). Скотоводческие племена в древнем Хорезме // Культура и искусство древнего Хорезма. – М.: «Наука». – С. 121-130.
7. Мамбетуллаев М. (1984). Хумбузтепе – керамический центр южного Хорезма // Археология Приаралья. Вып.2. –Т.: «Фан». – С. 28.
8. Болелов С. (1999). Некоторые итоги археологических работ на Хумбузтепе // ОНУ, №9-10. –Т.: – С. 90.
9. Баратов С. (2014). Новые археологические материалы к истории Древнего Хорезма // Хоразм Маъмун академияси Ахборотномаси, 4(33). – Хива. – Б. 37.